

СУД ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИДА ХАТОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

Абдумутал Каримович Закурлаев

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Жиноий-хукуқий
фанлар кафедраси профессори, ю.ф.д.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6685499>

Аннотация. Мақолада жиноят иши материаларида даллиларнинг аҳамияти, уларни баҳолаш асослари ва тартиби батағсил ўрганиб чиқилган, жумладан, алоҳида эксперт хулосасининг далил сифатидаги аҳамиятига тўхталиб, назарий таҳлил этилган. Муаллиф томонидан экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг процессуал тартиби, экспертнинг била туриб ёлғон хулоса берганлиги ёхуд хулоса беришидан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик масалаларига тўхтанилиб, якунида экспертиза тизимини такомиллаштириши ва кадрлар танлаши ва тайёрлаши соҳасини ривожлантириши мақсадида қатор таклифлар билдирилган.

Калим сўзлар: далиллар, экспертиза, эксперт, эксперт хулосаси, даллиларни баҳолаш, ваколатли шахс.

ОШИБКИ И ПРОДВИЖЕНИЕ В ФОРМЕ ЛЕСНЫХ ЭКСПЕРТИЗ

Аннотация. В статье подробно рассматривается значение доказательств в материалах уголовного дела, основания и порядок их оценки, в частности, значение отдельного экспертного заключения как доказательства, и теоретического анализа. В центре внимания автора - порядок назначения и проведения судебных экспертиз, уголовная ответственность за дачу заведомо ложного заключения или уклонение от заключения, выводы о совершенствовании системы проведения экспертиз, подборе и обучении кадров.

Ключевые слова: доказательства, экспертиза, эксперт, заключение эксперта, оценка доказательств, уполномоченное лицо.

ERRORS AND ADVANCEMENT IN THE FORM OF FOREST EXAMINATIONS

Abstract. The article examines in detail the importance of evidence in criminal case materials, the grounds and procedure for their assessment, in particular, the importance of a separate expert opinion as evidence, and a theoretical analysis. The author focuses on the procedure for assigning and conducting forensic examinations, criminal liability for knowingly giving a false opinion or evading an opinion, and concluding on the improvement of the examination system and the selection and training of personnel.

Keywords: evidence, expert examination, expert, expert opinion, evaluation of evidence, authorized person.

КИРИШ

Эксперт хулосаси – иш бўйича далиллардан бири ҳисобланади. У суд, прокурор, терговчи ёки суриштирувчи томонидан барча бошқа далиллар каби баҳоланади. Далилларни баҳолаш асослари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95-моддасида келтирилган: «Суриштирув-чи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона қўриб чиқишига асосланган ҳолда қонунга ва хуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички

ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хulosаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади. Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади. Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади. Испотланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади», яъни суд, прокурор, терговчи ва суриштирувни олиб бораётган шахс далилларни баҳолашда, қонунга таянган ҳолда кўрилаётган ишнинг тафсилотини ҳар томонлама чуқур ва обектив ўрганиб, ўз ички туйғусига асосланади.

ТАДҚИҚОТЛАР МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Далилларни баҳолаётган шахсларнинг қабул қилган қарори тўғри эканлиги бўйича ички туйғуси иш бўйича тўпланган ҳамма далилларни холисона кўриб чиқиши натижаларига асосланиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, тушунтирилиши ва асослантирилиши лозим. Масалан, суд кўриб чиқсан далиллар бўйича, хусусан эксперт хulosаси асосида у ёки бу хulosага келгандан сўнг ўз фикрини ҳукмда (ажримда) асослаб бериши керак.

Далиллар, шу жумладан, эксперт хulosаси хам баҳолаш жараёнининг ҳар бир босқичида ўзига хос хусусиятга эга, лекин далилларни баҳолашнинг ҳамма босқичларида ҳам унинг мақсади ва принциплари бир хил. Бунда терговга қадар текширув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга қўйиладиган ягона талаб – далиллар тўғри баҳоланишига жавобгарликдир.

Эксперт хulosасини ички туйғу асосида баҳолаш обектив ҳолатларни инобатга олмасдан баҳолаш дегани эмас. Бу жараёнда қўйидагилар ҳар доим текширилади:

- экспертиза тайинланганда ва ўтказилганда жиноят процесси ва фуқаролик процесси қонунларининг талабларига риоя қилинганлиги;
- замонавий фан нуқтаи назаридан берилган эксперт хulosаси асослантирилганлиги;
- экспертиза ўтказилганда тадқиқ қилинган материаллар, уларга қўйиладиган талабга жавоб бериши, экспертиза ўтказилганда усул ва методлар тўғри қўлланилганлиги;
- иш бўйича тўпланган далилларга эксперт томонидан аниқланган фактларнинг тўғри келиши.

Экспертиза тайинлаш ва ўтказишда процессуал қонунларга риоя қилинганликни баҳолаш. Эксперт хulosасида аниқланган фактлардан далил сифатида, факат экспертиза тайинланишида ва ўтказилишида қонунга риоя қилинган бўлса фойдаланиш мумкин. Эксперт хulosаси баҳоланганда суд, прокурор, терговчи ёки суриштирувни олиб борган шахс қўйидагиларни аниқлаши лозим:

Хulosha ваколатли шахс томонидан берилганлиги. Қонун фақат у ёки бу масалалар бўйича маҳсус билимга эга бўлган шахслар томонидан экспертиза ўтказилишига рухсат

беради. Ҳозирги вактда экспертларни аник экспертиза турлари бўйича мутахассислар бўлганлиги сабабли суриштирувчи-терговчи (суд) тадқиқотлар эксперт муассасасининг ходими томонидан ўтказилганлигини ҳамда ушбу шахс маҳсус саволларни ҳал қилишга ваколатлими ёки йўқлигини ҳам аниқлаши лозим. Эксперт малакаси ҳақидаги маълумотлар хulosанинг кириш қисмida баён этилиши керак.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Эксперт муассасасининг раҳбари томонидан эксперт била туриб ёлғон хulosса берганлиги, хulosса беришдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилганлиги бўйича ёзма мажбурият (тилхат) ҳам хulosанинг кириш қисмida берилади.

Агар экспертиза дастлабки тергов жараёнида ўтказилган бўлса, экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган иш материаллари билан экспертнинг танишишига имкон яратилганлиги, қўшимча материал тақдим қилиш зарурлиги ҳақидаги эксперт талабномаси қондирилганлиги, айбланувчининг (гумон қилинаётган шахс) манфаатини таъминловчи қонун талабларига риоя қилинганлиги ҳам аниқланиши лозим. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича тайинланган ва ўтказилган экспертиза хulosаларини баҳолашда, фуқаролик процессуал кодексининг талабларига экспертиза ўтказилганда (хусусан, ишни кўриб чиқишига тайёрлаш босқичида) риоя қилинганлигига ҳам эътибор қаратиласди.

Хulosani тўғри баҳолаш учун унинг таркиби бўлган кириш, тадқиқот ва якуний қисмларини кўриб чиқиши лозим.

Кириш қисмини баҳолаш. Хulosанинг кириш қисми баҳолангандা аввало, экспертиза қайси хужжат асосида ўтказилганлигини аниқлаш керак. Экспертиза ўтказиш учун фақат экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим) процессуал асос бўлиб хизмат қилади. Қарор (ажрим) билан танишганда, хulosанинг кириш қисмida ҳамда қарорда (ажрим) текшири-ладиган хужжатлар, материаллар, объектлар ва уларнинг номланиши тўғри қайд этилганлигини аниқлаш лозим.

Хulosада, эксперт олдига ҳал қилиш учун қўйилган саволларга жиддий аҳамият бериш лозим, чунки уларни таҳлил қилгандан сўнг, эксперт олдига қўйилган вазифаларни тўғри тушунганилиги ҳақида мулоҳаза қилиш мумкин бўлади.

Агар эксперт савол шаклини ўзгартирган бўлса ёки саволларни гуруҳларга ажратган бўлса, суриштирувчи-терговчи эксперт олдига қўйилган саволларнинг маъноси ўзгармаганлигини текшириши лозим.

Идентификацион тадқиқотлар ўтказилганда таққослаш учун тақдим этилган намуналарни танлаб олиш қоидалари таъминланишини ва шу намуналарнинг сифати, тўлиқлигини текшириш лозим, чунки хulosанинг тўғрилиги айнан шунга боғлиқ. Ундан ташқари экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда (ажрим) намуна сифатида қайд этилган хужжатлар қўлланилганлиги аниқланади.

МУҲОКАМА

Хulosанинг тадқиқот қисмини баҳолаш. Хulosанинг тадқиқот қисми баҳолангандা аввал эксперт фойдаланган методларнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги аниқланиши керак. Чунки ҳукм асосига фақат илмий методикаларга таянган ҳолда ўтказилган экспертиза хulosаси олиниши мумкин.

Экспертиза хulosасини тасдиқлаш учун у ёки бу илмий асос келтирилганда унинг афзаллиги изоҳланиши ва хulosани баҳолашда шахсларга бунга ишонч ҳосил қилиши учун имкон яратилиши лозим. Масалан, суд-хатшунослик экспертизасида ёзувнинг ишланиш даражасини қисқа вақт ичида ўзгартириш мумкин эмаслиги аниқланган, бу турғун белги ҳисобланади. Шунинг учун агар тахминий ижрочининг ёзувини ишлов даражаси тадқиқ этилаётган имзонинг ишлов даражасидан анча паст бўлса, фақат ишлов даражаси бўйича имзони тахминий ижрочи бажармаганлиги ҳақида хulosса қилиш мумкин.

Эксперт хulosаси илмий асослантирилганлигини баҳолаш, эксперт тадқиқот учун қўллаган методларни баҳолаш билан чамбарчас боғлиқ. Тадқиқ услубларига амал қилмаслик эксперт хulosасини рад этишга ва тақорий экспертиза тайинлашга асос бўлади.

Экспертнинг якуний хulosаларини баҳолашда, дастлаб эксперт ҳамма қўйилган саволларга жавоб берганлиги, сўнг хulosса тадқиқот қисмида келтирилган илмий асосларга мослигини текширади.

Қўйилган саволларга жавоб тушунарли ва аниқ бўлиши лозим. Агар эксперт қўйилган саволларнинг ҳаммасига жавоб бермаган бўлса, қўшимча экспертиза тайинланиши мумкин.

Эксперт олдига қўйилган саволларга тўғри ва тўлиқ жавоб берганлигини хulosани ўрганиб, кириш ва тадқиқот қисмидаги ахборотларни таққослаб аниқлаш мумкин. Агар хulosанинг кириш, тадқиқот ва якуний қисмлари мантиқан бир-бирига зид бўлса, уни ҳукм асосига киритиб бўлмайди. Баъзи бир терговчилар (судлар) фақат экспертизинг якуний хulosаларига эътибор қаратиб, кириш ва тадқиқот қисмларига аҳамият бермайдилар. Бу нотўғри, чунки бунда хulosада келтирилган фактлар, таққослаш материалларининг етарли бўлганлиги каби масалаларни аниқлашни имкони бўлмайди.

Ҳар бир ҳолатда идентификацион белгиларга нисбатан берилган хulosса қарама-қарши эмаслигини текшириш лозим. Гоҳида эксперт объектларнинг ҳар хиллигини аниқлаб, бу ҳақдаги белгиларни таърифлаб, эътиборсизлик ёки совуққонлик туфайли ижобий хulosса қиласди (ёки аксинча). Баъзан кириш қисмида баён қилинган ҳолатлар тадқиқот қисмидаги ҳолатларга зид бўлади. Гоҳида тадқиқот қисмининг ўзида ҳам зиддиятлар учраб туради. Бундай зиддиятлар эксперт хulosасининг далилий аҳамиятини камайтиради ва уни рад этишга ёки тақорий экспертиза тайинлашга асос бўлади.

Эксперт хulosаси ва терговчida шубҳа тутдирмайдиган иш бўйича йигилган бошқа далиллар мослиги унинг янада ишончлилигининг омилидир. Агар эксперт хulosаси иш бўйича бошқа далилларга зид бўлса, бунинг сабабини аниқлаб, зиддиятни бартараф этиш чораларини кўриш лозим бўлади.

Худди шундай одил судловни ўтказишга эксперт хulosасига асоссиз шубҳа билан қараш ҳам халал беради. Агар эксперт хulosасини баҳолаш натижалари унинг тўғрилигига шубҳа тутдирмаса мазкур экспертизанинг тўғрилигини текшириш учун тақорий экспертиза тайинлашнинг зарурати бўлмайди. Бу фақат терговни ва ишни судда кўрилиш муддатининг чўзилишига сабаб бўлади.

Ҳар доим ҳам дастлаб ўтказилган икки экспертиза ўртасидаги фарқларни аниқлаш учун экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тўғри эмас. Айрим ҳолларда улардаги фарқларни

ишдаги материаллар билан биргаликда хulosаларни танқидий баҳолаш орқали бартараф қилиш мумкин.

Суриштирувчи-терговчи (суд) хulosани баҳолашда нафақат икки хulosа ўртасидаги фарқни, балки эксперт аниқлаган ва иш бўйича бошқа далиллардан келиб чиқадиган фактлар ўртасидаги фарқларни ҳам аниқлаши мумкин. Бунда эксперт хulosаси нафақат айрим далилларга, масалан, айбланувчининг кўрсатмаларига, балки иш бўйича йиғилган барча далилларга ҳам зид бўлиши мумкин. Суриштирувчи-терговчи (суд)нинг вазифаси бу фарқнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаши уларни бошқа далиллар билан биргаликда бартараф этишdir.

Экспертнинг хulosса бериш учун имкон йўқлиги ҳақидаги хulosасини баҳолаш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 185-моддасида: «Экспертга тақдим қилинган обьектлар экспертиза ўтказиш учун етарли бўлмаса, хulosса бериш имконияти йўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ва уни экспертиза муассасасининг раҳбарига ва экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки судга юборилиши» белгилаб кўйилган.

Суриштирувчи-терговчи (суд) иш ҳолатларини аниқлашда эксперктнинг хulosасидан тўғри фойдаланиши керак.

Жиноят ишлари бўйича экспертиза ўтказилганда жиноят содир қилишга ёрдам берган ҳолатлар ҳам аниқланиши лозим. Бу аввало суд-бухгалтерлик, суд-автотехник, криминалистик экспертизаларга тегишилдири.

Экспертиза ўтказиш жараёнида аниқланган ҳолатлардан фуқаролик ишлари кўрилаётганда ҳам фойдаланилади.

Жиноятчиликка қарши курашда нотўғри берилган эксперт хulosаси жиноят содир этган жиноят учун жазони муқарралигини таъминлаш ва жазодан қўтилиб қолишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатлардандир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, экспертиза тизимини такомиллаштириш ва кадрлар танлаш ва тайёрлаш соҳасини ривожлантириш мақсадида қўйидагиларни амалга ошириш лози деб ҳисоблаймиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номли Республика суд экспертиза маркази экспертларининг малакасини ошириш ва сертификациялаш жараёнида мазкур муҳокама қилинаётган масалага эътиборни кучайтириш;

2. ИИВ Академиясида шу соҳадаги ИИО учун эксперталарни тайёрлаш масалаларида айниқса, эксперт ходимлар томонидан йўл қўйиладиган хатоларни бартараф этиш учун ягона услубиётни яратиш;

3. Мавжуд камчиликларни таҳлил қилиш ва бартараф этишга қаратилган вебинарлар ташкил қилиш;

4. Эксперталарни амалга оширадиган ҳаракатлар кетма-кетлиги алгаритмини акс эттирувчи услубий қўлланмалар яратиш, яратилган қўлланмаларни замонавий услублар билан бойитиш;

5. Е-экспертиза тизимида услубий қўлланмалар жойлаштирилиши орқали йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиб бориш лозим.

Фойдаланылган адабиётлар

1. Астанов И.Р. Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш. –Т.: Баш прокуратура. 2022 й. 168 б.
2. Суд экспертизаси түрлесидаги Қонун.
3. Суд экспертизаси түрлесидаги қонунга шарх.-Т.:ИИВ Академияси. 2017 й.й.230 б.